- илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошка қарзларни қайтариш;
- алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- савдо-воситачиликни амалга ошириш;
- умумий овкатланиш ташкилотларининг айланма маблағларини шаклантариш;
- ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мулкни сотиб олиш;
- маъмурӣ харажатларни тўлаш, жумладан, хизмат автомобиллари таъминоти;
- мебель, уяли телефон сотиб олиш, шунингдек, алоқа хизматларига тўлов мақсадлари учун.

Микрокредитлар қанча муддатга берилади?

6 ойгача имтиёзи давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади.

Кредитлар ушбу кредит ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳанинг бизнес-режасига мувофиқ ўзини ўзи қоплаш жиҳатларидан келиб чиқиб 2 йилгача имтиёзи давр билан 5 йил муддатгача ажратилиши мумкин. Бунда берилётган имтиёзи давр ва кредитни қайтариш муддати батафсил асослантирилиши керак.

Банкка қандай ҳужжатлар тақдим этилиши керак?

Қарз олувчи — жисмоний шахслар кредит олиш учун банкка қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ариза;
- шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
- жисмоний шахсларга кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида худудларни ижтимоий-иктисодий ривохлантириши бўйича секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар

иини томонидан оиласи тадбиркорликни ривожлантириш учун бериладиган кредитлаш бўйича тавсиянома.

Кичик тадбиркорлик субъектлари қандай ҳужжатларни тақдим этиши керак?

Қарз олувчи — кичик тадбиркорлик субъектлари кредит олиш учун банкка қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ариза;
- бизнес-режа,
- тегиши давлат солиқ инспекциясида охири ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), 90 кундан ортик муддатдаги қарзларга доир солишириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл), янги ташкил этилган юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган деҳқон ҳужжаликлири бундан мустасно.

Қарз олувчи — кичик тадбиркорлик субъектлари кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида банкка қўйидаги таъминот турларидан бирини тақдим этади:

- учинчи шахс кафиллиги;
- суғурта полислари;
- кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулжалар;
- Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги;
- конун ҳужжатлари доирасидаги бошка таъминот турлари.

Тижорат банклари ўзларининг ички кредит сиёсатига мувофиқ қарз олувчи — кичик тадбиркорлик субъектларига мазкур Низомнинг 14-бандида назарда тутилган таъминот турларини талаб килмасдан базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваригача бўлган миқдорда бланкли (ишончли) микрокредит бериш хуқуқига эга.

Иш ўринлари яратиш имконияти мавжуд лойиҳаларга қанча миқдорда кредит ажратилади?

Туман ва шаҳарлarda самараадорлиги юкори ва барқарор иш ўринлари яратиш имконияти мавжуд лойиҳаларга дастур доирасидаги ресурслар ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваридан ортик миқдорда кредит ажратилиши мумкин.

Самараали лойиҳалар тегиши туман (шаҳар) марказлари томонидан танлаб олинида ва ушбу лойиҳанинг ҳақиқатда мазкур ҳудудни ижтимоий-иктисодий ривохлантиришдаги аҳамияти қайд этилган ҳолда кредитлашга хуласа тайёрланади ва хуласа туман (шаҳар) марказларининг барча аъзолари томонидан имзоланади.

Туман (шаҳар) марказларининг самараали лойиҳанинг амалга ошириш бўйича хуласаси Ҳудудий марказларга кредит ажратиш учун қарор қабул қилишга тақдим этилади.

Ҳудудий марказлар томонидан самараали лойиҳанинг кредитлаш бўйича қарор қабул қилишда қуйидагилар асослантирилиши зарур:

- самараали лойиҳанинг тегиши ҳудудни ижтимоий-иктисодий ривохлантиришдаги аҳамияти;
- самараали лойиҳанинг амалга оширишдаги тажрибаси, обўуси;
- банк орқали амалга оширган пул айланмаси миқдори, дебитор ва кредитор қарздорликлари, кредит тарихи;
- самараали лойиҳанинг амалга ошириш натижасида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажми, яратиладиган янги иш ўринлари.

Дастур координаторлари самараали лойиҳанинг кредитлашга руҳсат бериш бўйича Ҳудудий марказларининг қарори асосида якуний хуласа чиқаради ва ижобий хуласа берилгандан сўнг ушбу хуласа тегиши хизмат кўрсатувчи тижорат банкига тақдим этилади.

Кредит ажратиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш

Қарз олувчининг аризаси кебиб тушган кундан бошлаб, тижорат банки томонидан уч иш кунидан ошмаган муддатда ушбу ариза бўйича асослантирилган қарор қабул қилинади.

Кредит шартномаси

Кредит бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинганда, қарз олувчи ва тижорат банки ўртасида кредит шартномаси тулидади.

Тижорат банкининг қарори

Тижорат банкининг қарори кредит бериш ёки уни беришинарад этиш учун асос ҳисобланади.

Кредитларни ажратиш ва уларни қайтариш

Кредитлар қарз олувчига кредит ҳисобварафи очиш ва унинг тўлов топширикномаларига мувофиқ, ушбу ҳисобварақдан нақд пулсиз шаклда пул ўтказиш йўли билан берилади.

Бунда, кредитлар товарлар (хизматлар) шартнома асосида кедиб берилгандан (хизматлар кўрсатилгандан) ва лойиҳа эгаси ундан қаноатланиш ҳосил қилганидан сўнг ажратилиши ва маҳсулот етказиб берувчи (хизмат кўрсатувчи)нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

Қарз олувчи кредит ҳамда унга ҳисобланган фоизларни нақд пулда, банк пластик карточкаларни орқали ёки қарз олувчининг ҳисобварағидан пул ўтказиб бериш йўли билан тўлаши мумкин.

“Бугун раҳбар деган инсон авваламбор таълим-тарбияга этибор бериши керак!”



— Мен шундай барча қулайларларга эга бўлган болалар боғчасини Лондонда кўрганиман, — дейди меҳнат фахрийси Қилич Сидиков. — 15 йил олдин шу юртга саёҳатга боргандим. Биз яшайдиган меҳмонхона ёнида бояча бор экан, кириб айландим. У ердаги шарт-шароит, кўзни қамширадиган бинони кўриб, қачон бизнинг кортда ҳам шундай боғчалар куриларкан, деб орзу қилгандим ўшанда. Ўзбекистонда ҳам Лондондагидек мактабгача таълим ташкилотлари курилмоқда. Бу бино ҳам Лондондагидан мутлақо қолишмайди. Қаранг, боғчанинг кўркамлиги кўзни қувонтиради.

— Келажагимиз эгалари бўлган болажонларимизга нафақат кўркмалар берилмоқда, балки бу масканларда уларнинг комил инсон бўлиб этишилари учун таълим-тарбияга ҳам катта этибор қаратилмоқда, — дейди Нарпай тумани ҳокими Шерзод Раҳмонов. — Ўзим асли педагоглар оиласиданман. Шу сабабли иш бошланган биринчи кунимданоқ таълим-тарбияга этиборимни қаратдим. Маврифатсиз келажак йўқ. Шундай экан, бугун раҳбарман деган инсон авваламбор таълим-тарбияга этибор бериши керак. Келажаги буюк давлатни ана шу ёшларимиз қуради. Уларнинг доно, зукко бўлиши, кўпгина хориж тилларини билиб, комил инсон бўлиб улфайишига, фарзандларимизнинг тарбиясига масъулмиз. Бугун туманда мактабгача таълимга қамраб олиш

қарийб 70 фоизни ташкил эттаётган бўлса, ўйл охиригача бу кўрсаткичини 90 фоизга етказамиш. Яна 10 та ана шундай замонавий боғчалар курилади.

— Туманимизда бугунги кунда жами 200 та мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд, — дейди Нарпай туман Мактабгача таълим бўлими мудири Жамшид Норқулов. — Шундан 56 таси давлат, 2 таси давлат хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим муассасалариди. 68 та оиласиб боғчалар ҳам ҳудудларда фаолият кўрсатмоқда. Туманимиздаги барча боғчалар замон талабига мос капитал таъмирдан чиқарилди, кўпчилиги қайта курилди. Иншотларнинг кўркамлиги, улардаги қулайлар ӯз йўлига, бизнинг асосий вазифамиз мактабгача таълимга қамраб олинган 12 минг 155 нафар болага таълим ва тарбия беришдан иборатdir. Бунинг учун бор имкониятни ишга солишимиз керак. Очиғи, кечаги боғча опалар билан бу мақсадга эриша олмаймиз, чунки уларнинг дунёкараши, иш услуби энди эскирди. Бугун биз давлат ва нодавлат боғчаларда асосан олий маълумотли, ўз касбининг фидойиси бўлган замонавий билимга эга тарбиячилар билан ишлashingиз керак.

Туманда фаолият кўрсаттаётган 250 нафар тарбиячиларнинг қарийб 75 фоизи олий маълумотли, қолганлари ҳам ўз малакаларини ошириш учун олий ўқув юртларига киришган. Тизимга рус, инглиз, араб тилларини ўргатдиган педагогларни ишга қабул қилмоқдамиш. Бундан ташқари, Самарқанд давлат университети билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Олийгоҳнинг профессор-ўқитувчилари ойда 3-4 маротаба боғчаларда бўлиб, машғулот ўтказишлари учун шартнома туздик. Энди эскича ишлаб бўлмайди, шу боисдан ҳам талаб ва назорат кучайди. Номига ишга бориб, вақтини беҳуда ўтказдиган тарбиячилар билан хайрлашдик. Энди ҳар ойда тарбиячилар ўртасида танлов ўтказилади. Навбати билан тарбиячилар ўзининг таълим ва тарбия борасидаги иш услубини намоён қилади. Кекса педагоглар, шу соҳанинг билимдонлари тарбиячининг иш услубига баҳо бериб, унинг ойлик иш ҳақига устама ҳақ белгилайди. Яна бир гап — бугун кўпгина боғчаларимизда онлайн

тизим ташкил этилган. Энди ота-оналар ўйларида ўтириб фарзандларига қандай тарбия берилаётганлиги, улар учун берилаётган нонушта-тушликни ҳам назорат қилиши мумкин. Мактабгача таълим муассасаларида “Истеъоддли болажон”, “Ёш рассом”, “Зумрадойлар давраси”, “Эртаклар оламига саёҳат”, “Китобхон болажонлар” кўрик-тандловлари ўтказилмоқда. Танлов голибалирига ҳомийлар, мактабгача таълим бўлими томонидан болалар ўйинчоқлари берилади. Болалигига совфа олган бола ёши улғайгандага ҳам қувончни ёдидан чиқармайди. Бунинг тарбиявий аҳамияти ҳам бор, албатта. Танловда иштирок этмаган ўғил-қизларимиз ҳам совфа оламан, деб фаол бўлади, ўтилаётган машғулотларни ўрганишга қизиқиши ортади. Мактабгача таълим ташкилотларида ёзги согломлаштириш даврида сув сайли байрамлари ўтказилмоқда. “Соғломжон — полвонжон”, “Шахмат-шашка” спорт тўғракларимиз ишлаб турибди. Ҳамма боғчаларда ҳам видеокамералар ўрнатилган. Болажонларимиз қизиқарли мультфильмлар кўриб, вақтларини унумли ўтказадилар. Билмадим, бошқа жойда қандай, туманимизда тарбиячиларга “Алла” ўргатилади. Эндинга ота-онаси бағридан келган гўдак боғча шароитига тезгина мослашмайди, албатта. Тарбиячилар

римиз “Алла” айтиб, уларга ўз онасининг меҳрини бериши ҳам керак.

— Болалани ёшлигидан чирийли яшашга ўргатишимиш керак, — дейди 29-сонли мактабгача таълим мусасаси мудириаси Сайёра Содикова. — Ўч йил олдин инвестиция дастури асосида боғчамиз янгидан курилди. Бугун бу ерга 150 нафар кишлоқ болалари қатнаиди. Хоналарда болалар учун барча шароитлар мухайё. Ҳовлида фаввора, сузиҳ ҳаваси бор. Боғчамиз ҳалқаро йўлда ўйлдан кўплаб чет эллик меҳмонлар ўтади. Гоҳида чет эллик сайёҳлар боғчага ҳаваси келиб киришади. Яқинда юртимизда меҳмон бўлиб турган бир инглиз хонимни кутилмаганда боғчамизга кириб келди. Юқори гуруҳимизда инглиз тили машғулоти ўтказилаётган эди. Меҳмон қизиқиб, машғулотда қатнашди. Катта гуруҳга қатнаидиган Озода Эргашева исмили қизимиз инглиз тилида шеър айтиб, меҳмонни лол қолдириди. Хорижлик хоним қизчани қучоқлаб, ўз тилида ўқилган шеър учун унга раҳмат айтди.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда фаолият кўрсаттаётган кўпгина мактабгача таълим ташкилотлари хорижникидан қолишмайди. Эндинги асосий вазифамиз ана шу масканларда таълим-тарбияни ҳам замон талаблари даражасида ташкил этиш керак.

**Азим ҚОДИРОВ,
“Инсон ва қонун” мұхбари**



МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИННИ БУЗГАН ШАХС ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

МАЪЛУМКИ, айни пайтда мулалифлик ҳуқуқларининг бузилиши нафақат ижтимоий тармоқларда аудиовизуал асарлар ва фонограммаларни сотиш, балки, телекўрсатувларни тарқатиш каби фаолият турларида ҳам учрамоқда.

Пойтахтизидаги "Турон медиа" хусусий корхонасининг Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлигига қилган мурожаати ана шу хусусидир. Мазкур мурожаат агентлигидан Фаргона вилояти интеллектуал мулк ҳимояси маркази томонидан ўрганиб чиқди.

Гап шундаки, "Турон медиа" хусусий корхонаси ёзувчи, таникли драматург Эркин Хушвақшонинг "Сизисиз ўтмас кунларим" номли асари асосида 20 серийдан иборат аудиовизуал асар яратган. Албатта, бу мулалифнинг ёзма розилиги асосида амалга оширилган. Аммо водийнинг машҳур телеканалларидан бири — Кўкон шахридаги

"Мулоқот эксклюзив" МЧЖГа қарашли "Мулоқот" телевидениеси хусусий корхонанинг розилигисиз ва лицензия шарномасини тузмай тириб, асарни ноконуний равишда эфирга узатган — намойиш килган. Бинобарин, "Турон медиа" хусусий корхонаси мазкур ҳолат юзасидан қонуний чора кўришини сўраган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг "Мулалифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида" ги Қонунининг 62-моддасига мувофиқ, ҳуқуқ эгаси ёки мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузмасдан асарларни турдош ҳуқуқлар обьектини

такорлап, тарқатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш мулалифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузиш ҳисобланади. Шу боис, Фаргона вилояти интеллектуал мулк ҳимояси маркази томонидан ҳуқуқбузарга — "Мулоқот эксклюзив" МЧЖ раҳбари Ҳасан Шерматовга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Кўкон шахар судига юборилди. Суднинг 2021 йил 22 июндаги қарори билан Ҳ.Шерматов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 177'-моддаси (Мулалифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш) 1-кисмидан назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир эттан, деб топилиб, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 барабари — 1 миллион 225 минг сўм (ҳуқуқбузарлик 2020 йил май ойидаги содир этилган) жарима жазоси тайинланди. Кези келганда қайд этиши

жоизки, жамиятимизда ҳуқуқ эгасининг интеллектуал мулкига нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқлари поймол бўлишининг олдини олиши, бу борада ахолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш Интеллектуал мулк ҳимояси марказлари олдидаги энг муҳим вазифа-

COPYRIGHT



лардан биридан. Шундай экан, мулалифлик ҳуқуқини ҳам ҳуқуқ эгасига тегиши маддий мулк каби кўриш ва уни ҳурмат қилиш ҳар биримизнинг мажбуриятимиз эканлигини унутмаслигимиз шарт.

Умиджон НАЗИРОВ,
Фаргона вилояти интеллектуал мулк ҳимояси маркази раҳбари

Сўраган эдингиз

ХАЛҚАРО ИМТИҲОНДАН ЮҚОРИ БАЛЛ ОЛГАН ЁШЛАРГА ХАРАЖАТЛАР ТҮЛИК ТУЛАБ БЕРИЛАДИ



— ЖИЯНИМ IELTS сертификатини олди. Имтиҳон топшириш харажатлари қоллаб берилishi учун қандай ҳужжатлар керак, харажатлар қанча миқдорда қоллаб берилади, қаёрга мурожаат қилиши керак?

Ином Тўраев,
Наебаҳор тумани

— Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл тўплаган ёшларга имтиҳон топшириш харажатлари қоллаб берилishi учун қўйдаги ҳужжатлар керак бўлади. Аризага имтиҳон топшириш харажати тўланганини тасдиқловчи тўлов квантансици ва маҳсус сертификат иловга қилинади, холос. Ариза берувчидан бошқа матьлумотларни талааб қилиш қатъянга тақиленади. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 13 апрелдан қарорига асосан Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл тўплаган ёшларга имтиҳон топшириш харажатлари тўлиқ қоллаб берилishi белгиланган. Бунинг учун ариза берувчи исталган туман, шаҳардаги давлат хизматлари марказларига ёки ягона интерактив давлат хизматлари портали бўлган my.gov.uz орқали мурожаат қилиши мумкин. Мазкур давлат хизматини кўрсатиш мутлақо белуп амалга оширилади.

УЗРЛИ САБАБЛАР АСОС БЎЛАДИ

— Бўлажак турмуш ўртоғум билан никоҳимизни расмийлаштириш август ойининг 25 санасида белгиланган. Иккимиз ҳам пойтахтда олийхода ўқишимиз. Ўқишимизни вилоятга кўчирмоқчимиз. ФХДЕ идораси никоҳимиз муддатини қисқартиши мумкин?


Зоҳиджон Каримов,
Қизилтепа тумани



— Вазирлар Маҳкамасининг "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиши қоидларини тасдиқлаш тўғрисида" таъсити 387-сонли қарорининг 5-боб, 75-бандида кўрсатилишича, ФХДЕ органи мудири узрли сабаблар бўлганда ҳамда аризачиларнинг илтимосларига кўра бир ойлик муддатни қисқартиши мумкин. Бунда узрли сабабларни тасдиқловчи — болаларнинг тугилганини ҳақидаги гуваҳномалари, тибиёт мусассасининг келинингн ҳомиладорлиги ёки бир тарафнинг касаллиги ҳақидаги маълумотномаси, хизмат сафари тўғрисидаги гуваҳнома ва шу каби ҳужжатлар кўрсатилади. Агар сизда юқорида кўрсатилган узрли сабабларни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлса, никоҳдан ўтиш муддати қисқартирилади.

Саволларга ДХА Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари Элдор БАҲОДИРОВ жавоб берди.

ВАСИЯТНОМАДАГИ МЕРОСДАН ВОЗ КЕЧИШИМ МУМКИНМИ?



— МАРХУМ бобом томонидан менга уй-жойга нисбатан васиятнома қолдирилган эди. Бобомнинг вафотидан кейин меросни расмийлаштириш учун нотариусга мурожаат қилганимда, нотариус мазкур мажбурий улуш олувчилар мавжуд бўлса, улардан мажбурий улуш бўйича мерос расмийлаштириши ёки улушкидан воз кечиши ҳақида розилинг аризалари кераклигини мәълум қилди. Кимдар меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкинлиги ҳақида менга мәълумот берсангиз.

— Мерос қолдируучининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан фарзандликка олган болалари, шунингдек меҳнатта қобилиятсиз зри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар ҳам васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

— Мархум бувим томонидан ўзига тегиши бўлган уй-жойга нисбатан менга васиятнома қолдирилган. Мен ушбу васиятнома бўйича мерос қабул қилишини истамайман, васиятномадан воз кечишим мумкинми?

— Ҳа, мумкин. Васият мажбуриятни юзасидан ҳуқуқ олувчи васият мажбуриятидан воз кечишига ҳақли. Қисман воз кечишига, шартлар кўйишга ёки бошқа шахснинг фойда-сига воз кечишига йўл қўйилмайди.

— Мархум отамдан қолган меросни расмийлаштириш учун нотариал идорага мурожаат қилганимда, нотариус мархумнинг ота-онаси, яъни бобо ва бувим ҳақида маълумот сўради, бу қанчалик тўғри?

— Қонун бўйича биринчи навбатдаги ворисларга мерос қолдируучининг болалари (шу жумладан фарзандликка олганлар), зри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Нотариус амалдаги қонунчиликка асосан асосли равишда сиздан бобо ва бувингиз ҳақида маълумот сўраган. Улар биринчи навбатдаги меросхўлар бўлиб, агар улар вафот этган бўлса, уларнинг ўлим гуваҳномаси нотариусга тақдим қилинади, агар тирик бўлишса, уларнинг мерос қабул қилиш ёки воз кечиши ҳақидаги аризалари олиниади.

Саволларга Когон туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Нозима СУЛТАНОВА жавоб берди.

Қўчқор НОРҚОБИЛ

ОЛИСДА ЮЗ БЕРГАН ВОҚЕА ҲИКОЯ

ХАЙДАР ота билан юртдан олис, Россиянинг бир бурчагида, тубканинг туви, лекин жуда гўзал тоғли ўлка қояларига қадурган сиҳатоҳда кўришидик.

Тушлик маҳали. Кенг-мўл, ланг очиқ деразаларидан осмонўмрос тоғлар кўриниб турган чарогон емақхонанинг ойнаванд эшиги очилиб, олтинсоч, мовийкўз Настинка таёқдай тик, қадами шахдам, шу юришида русларнинг мана ман деган гердайма князларини ҳам ярим йўлда қолдириб кетадиган баланд бўй бир кимсанни бошлаб кирди. Жувон у ё́бу ёққа кўз ташлади-да, бизнинг столга қараф жилмайди. Улар қаршишимизга келишди. Бехосдан ўрнимдан туриб кетдим, салом бердим. "Къязъ" ўзбек эди.

Настинка ёниқ-тиник табассум ҳада этди-да, ўзимдай қоракўз, қорақош кимсанни рўпамга тўғрилашиб, жўнаб қолди. ўнимдаги икки "ок, тани" ҳам чап-чайир, ўзбекорт кўёшида юзи оби-тобида қизарган, озгин ва заран жуссалси кишига ажабсиниб қарашибди.

Биз танишиб олдик. Апоқ-ча-покмиз. ўнимдагилар ҳам Хайдар отанин гапларига маҳалиё. Бу котма-курку одам мен ўйлаганимдай олтиш ўшларда эмас, балки саксон ёшдан ўтган отам тенги қария эди. Хайдар отанин иккала кўпининг ҳам ўртанчи (учинчи) баромғи таг-туби билан йўқ эди. Ноңушта пайти сўрамасак-да, ўзи изоҳ бериб кўйди: "Иккала баромғимни ҳам ит, аникроғи, този кучук ёб кўйган."

Кечқурунлари сиҳатоҳ теграсида сайр қиласмиш. Шарқироқ сой ўтган аргувонзордан тараалганин муттар бўй кўнгилни сархуш этади. Судтай ёруғ, илек ёз оқшомидга замин деган улкан қозонда билқиллаб асал қайнайти, унинг бўйи атроф-жавонибни сархуш этаяти, деган хаёлга келаман. Қизик, асалнинг қайнаганин ким кўрган? Бироқ мен шундай галати тасаввур билан энтикаман.

Шундай оқшомларнинг бирда ёлғиз ўзим аргувон тагидаги ўрниндида сойдан кўз узмай ўтирадим. Сезмабман, ўнимга келиб чўккан чол оҳиста елкамга уриб кўйди: "Кўп хаёл

сураркансан-а, сен бола..."

— Эйй, отам, ўзингиз ҳам күшдай ёнгисизда-а, қачон келиб қўнганингизни ҳам билмабман.

— Ҳаёл яхши нарса. Ёмон ўйинг бўлгандан кўра, яхши кўнг бўлганни маъқул-да, болам.

— Отам, кўз тегмасин, чайриу ҷаққонсиз. Очиги, обёнгизиз узангидан, ўзингиз оту эгардан тушмай довругу даврон суреб, эсл устида юрган кўринасиз. Қиинчлини билмаган кимсаларнинг тани-жони эскирмайди-да, — дедим илмоқли килиб.

Ҳайдар ота менга илкис қарди. Қийқи кўзларida қаҳрли, соvu қир ўялтиб ёниб-ўчди. Сўнг илжайди:

— Қирчанг бўлсангиз ҳам қилиғингиз қириқиқ демокчи-санда-а? Отдан ҳам, эгардан ҳам тушмаганин чин. Йигирма беш ўшимда энг катта колхозга раис бўлдим. Бир жойда йигирма йил ишладим. Кейин қамалиб кетдим. Беш йил ётиб чиқдим. Мен у ёқдалигимда хотиним кою босими ошишга йўлиқи, ўлиб кетди. Кудам орданда ишларди. Кизини ўглимдан ажратиб олиби. Ўглимни ҳам терговга чакиришиб: "Отамнинг вилоятдаги раҳбарга пора берганини кўрганман, деб ёзид бер, йўқса, сингилларингни олиб келип ашаддий каллакесарлар аичиша кўшиб кўямыз ...", — деб дўй-пўлиса қилиб, калтаклашибди. Ишлаб турган ишидан ҳам ҳайдашибди. Эси кирапчи-чиқари бўйл, аламидан ичклика берилиб, юрак ўйногига йўлиқиди. Қамоқдан қайтган йилим ўглимдан ҳам айрildim. Э-эй, болам-да, давру даврон дейсан, ўндан кўра дарду даврон деганинг дуруст. Москва юборган лаънатни Гдлян билан Иванов деган ёзвузлар тўдаси "пахта иши" тамаси билан қанчалаб одамларнинг ёстигини куритмади ўшанда.

Ота кўлларини ёзиб, ўзича гапларнг бўлади: "Биласанми, болам, мен у кунларни унтиб юборай, жоҳилларни Худога солдим, дейман, лекин қара, манови тўмтож кўлларимга қара, баъзан туш кўраман; кимдир бармоқларини кундага кўйбл болта билан чопмоқчи бўлади. Бармоқларимга зирқираб оғриқ қиради.

Товба дейсан, уйгониб юпимда бармоқларим борлигини хис қилман, ахир уларнинг ўрнида азобли оғриқ пайдо бўлганини сезаман-ку. Йўқ бармоқлар ўрнида қандай қилиб оғриқ қўзғолиши эса мумкин-а, бу сир-синоатни эса тушунолмайман..."

Бобоҳон, мени кечиринг, билмасдан гапиривордим, узр. Ўша иблислар дадамнинг бухгалтер бўлиб ишлаган акаси, катта амакими ҳам қамашган.

— Шу гапни айтиб, ўзимча унинг ботинида чўккан азобни бироз енгилаштироқчи бўлдим.

— Қўйвер, қўниши қолганман. Сенга оғир бўлса ҳам айтайн: ўшандо ўзбек эканлигидан уялганман. Еган қалтакларимнинг азоби майли, бирок ўша кеплинди-юлгичларини ёнида този итайд лиқиллаб, товонини ялаган айрим илириксиларнинг ўзбек эканлиги менга минг чандон азоб берарди. Шундайлардан битаси бор эди, пешонаси тиртиқ, шипликкўз хунаса. У ўзбек эди. Ўша иблис ҳам ёнидаги сал-сарриқ кеплиндилирга қўшилиб ўртanchа бармоқларим орасига нина тиқарди, шу бармоқлар бошқаларига қарагандга оғриқни кучлироқ сесза керак-да. Баъзидан кўл-оёғимни курсига чандиб уришганда, у оғзимга латта тикиб турарди. Тушунаяспаними, ха, у ўзбек эди, лекин мансаб, лавозим учун онаси-ю хотиним ҳам ўшаларга сотиворадиган илирикси эди.

Ҳайдар ота жим қотди. Орага сукут чўкди. Тил-забонимни тош босади. Отанинг ўз юртдан узоқда, аргувонзор "асал қайнатган" олис ўлқада бошқаларига айтишига оғрилдиган бу ҳасрату надомати сой сувининг шарқироқ садоларига сингиб борарди.

— Эртага тушлиқда ош дамлайман. Анови, иккала ўриси шеригимиз ҳам кутиб юришибди. Сиз келишингиздан олдин уларга якшана куни оши пишрамиз, деб вайда бурвидим, сиз ҳам биз билан бўласиз, кемага тушганинг жони бир, — гап ўзинини мутлоч бошқа мазвуға бурвиди.

Дабдурустдан айтилган бу гапларимдан Ҳайдар ота ҳайрат-

ланди, кейин майн ва беозор кулиг эшитилди.

— Шундай де, кемага тушганинг жони бир дегин. Їх. Факат ошнинг ҳамма ҳаражати мэндан бўлади. Йўқса, бормайман.

Чол қайсар экан; кўнмади, бир узи бозорли қиладиган бўлди. Столодимиз Петя амаки билан супермаркетте жўнади.

Сиҳатоҳ ёнидаги очиқ ҳовлида емақхона бор эди. Кечи бошлиги билан келишиб қўйгандим. Ташқарига ўзқо-қозон ўрнатиб берди. "Ўзбекча палов зўр бўлади. Менга ҳам берасан-да, хотиним билан қизимга олиб бораман", — деб чўнтағидан пул чиқарип узатди. Мен унга: "Пулинг керакмас, уят бўлади", — дедим. "Ўзбеклар зўр халик, оқибатли, мард", — деди у ҳам шумодд қилиб.

Якшанба тушлигига ош тайёр бўлди. Бизнинг "чол-игитимиз" дастурхонни турли ноз-незматларга тўлғазид ташлади. Ҳатто ҳалиги бор-у, ҳалиги, "қизил гулоби" ўлгурдан ҳам диккайтириб кўйди. Иккала ўрисининг оғзи кулогида, кўзи ўчқо томонда. Таом камидаги йигирма минут дам ейши кераклигини эшитиши, ҳайрон бўлишибди. Пишиган нарсани димлаб нима қиласанлар, деган маънода норизо қарашгани ҳам чин. Мен соатигма тез-тез кўз югирираман. Безовтала наман. Биздан уч чақирим наридаги "Атиргуллар водийси" деган сиҳатоҳда дам опаётган Тўра аканни кутаяпман. Кўнгироқ кильвидим. Соат роппа-роса бирда бораман, деганди.

У мен билан бирга учиб келуди. Ўн йилдан бери ўша сиҳатоҳда даволанаркан. Ўрганинг қолганман, менга шу ер ёқади, деганди. Мусофиричиликда ёнингдаги юртдошинг билан ўзкириб турмок яхши-да.

Иигирма беш минут ўтди. Кўзим сиҳатоҳ ёнидаги сўқмоқда. Тўра акадан дарак йўк.

— Оши сузавер. Тагига олади. Мановилар ҳам роса диккильашдиги. Келадиган одамнинг ҳаққини олиб кўясран. — Ҳайдар ота бир шериларимизга, бир нарикоҳда кўлида лаган тутиб турган емақхона раҳбарига қараф жилмайб кўйди.

Петя ҳамда Иван амаки,

емақхона ҳўжайини Сергей ошни мактай-мактай, паккос тушириди. Улар бизни минг бир айланб-ўргулиб олкишлаб, руҳат сўрашиб, ўрнидан туриди.

Тўра ака кечишиб келди. Уэрхонлик қилиб курсига чўқди. Мен ўчқо бошига бориб қозонда турган ўзини олиб келдим. Шу маҳал ҳовли ортига шамоллаш учун ўтган Хайдар ота кўриниш берди. Тип-тиқка, қиличада бўлбі, тетик ва шахдам қадам отаётган Ҳайдар отага меҳмонимиз қизиқиниб қаради.

— Ажойиб чол. Жанговар! Ҳеч ким саксондан ошган демайди. Лекин бошидан ўтказган азоблари бу дуненини босиб қолгулик. Шунча дард билан йигитдай бўлиб юришини қаранг,— дейман ўз ҳайратимни яширолмай.

Тўра ака ҳамон ундан кўз ўзмайди. Ҳайдар ота келиб рўпрасига ўтириди. Улар бир-бираiga тикилиб қолишибди. Ота ўрнидан шахд турди. Оғир-оғир нафас олди. Тўра ака эса ранг-рўйи мурдадай оқариб, тош қотди-да, телбанамо илжайди. Ўнга жавобан ота стоп устида турган чиқонони олиб, олдга бир қадам ташлашган ҳам эдики, Тўра ака ўз еган илондай бир сапчиб, оёқда тик бўлди. Эс-хушидан айринган каби қалтириб, бўғиздан алланчек товуш отиди; бундай инграганнамо чийиллашни умрим бино бўлиб эшитмагандим.

— Сени танидим, ит эмган!! Мана, охири сени кўрдим. Танидинг-а? Танидинг!!!

Тўра ака шиқли этиб, ўтириб қолди. Юзини кўллари билан тўғди. Ҳайдар ота энди ўзини борсиз олди. Ўртанинг бармоқларири турди. Отилдиган томончидан:

— Мановиларини кўярайсанми? Қара! Қара-а-а, деяпмада-а-а-а-нни!! Мен қарахт ҳолда ён атрофимдаги столларга аланглайдим. Шу лаҳзада нимадир қарс этди. Боши юзи жиққа хўл Тўра ака вой-войлаб сўмқоқ томон қочди. Стол четида, ерда чойнан синкликлири сочилб ётарди. Емақхона соҳиби биз томонга анграйиб қараф турарди.